


## “БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА УМУМИНСОНИЙ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР: ТИЛ, ТАЪЛИМ ВА МАДАНИЯТ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН



2016 йил 20-21 май кунлари Самарқанд давлат чет тиллар институтида Шанхай чет тиллар университети билан ҳамкорликда “Буюк ипак йўлида умуминсоний ва миллий қадриятлар: тил, таълим ва маданият” мавзусида халқаро илмий – амалий анжуман ўтказилди.



Анжуманнинг мақсади Буюк ипак йўлининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни, Ўзбекистон, Хитой ва бошқа давлатларда тил, таълим ва маданият, тарих, Буюк ипак йўли халқларининг умуминсоний ва миллий қадриятлари ҳамда ушбу минтақада хорижий тилларни ўқитишнинг илғор усуллари, замонавий педтехнологиялар, шунингдек, тилшунослик ва адабиётшуносликнинг замонавий

таҳлил усуллари каби масалаларни муҳокама қилишдан иборатдир.

Анжуман “Буюк ипак йўли мамлакатлари тили ва тилшунослиги”, “Буюк ипак йўли мамлакатлари адабиётшунослиги, таржима ва манбашунослиги”, “Буюк ипак йўли мамлакатлари тарихи ва маданияти”, “Буюк ипак йўли мамлакатларида таълим-тарбия назарияси ва ўқитиш методикаси” деб номланган алоҳида шўъбаларга ажралган ҳолда ўз фаолиятини олиб борди.

Анжуман СамДЧТИ ректори Ғ.Х.Раҳимовнинг табрик сўзи билан очилди. Сўнгра ХХРнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Сун Лицзе конференция иштирокчиларига ўз табрикларини йўллади. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Б.Усмонов ва Самарқанд вилоят ҳокими З.Мирзаевнинг табрик сўзлари иштирокчиларига ўқиб эшиттирилди.

Шунингдек, ялпи мажлисда Кембридж университети профессори Сидхарт Саксена (Буюк Британия), Шанхай чет тиллар университети проректори, профессор Янг Ли (ХХР), Ханкук хорижий тиллар университети профессори Сунгдон Хванг (Корея Республикаси), Нагоя университети профессори Эйити Имамура (Япония), Мўғулистон миллий университети профессори Дашдондог Баярсайхан



Мўғулистон), Санкт-Петербург давлат университети профессори Р.Тангаличева, Сухомлинский номидаги миллий университет доценти Вера Никишина (Украина) халқаро конференция иштирокчиларини табриклар, анжуманнинг илмий-амалий аҳамияти хусусида фикрларини билдирдилар.

Ялпи мажлисида Кембридж университети профессори Сидхарт Саксенанинг “Understanding the Value of Silk-Road in the Development of Language and Ideas in New Global Asia” (Буюк Британия), Мўғулистон миллий университети профессори Дашдондог Баярсайханларнинг “The Silk Road: Transcontinental Exchange” мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Анжуманда Республикамизнинг кўпгина олий ўқув юртларидан, жумладан, ЎзМУ, СамДУ, ЎзДЖТУ, ТДПУ, ТАҚИ, ТДПИ, ТДЖТИ, ТШИ, ТИУ, ЖизДПИ, ҚарДУ, НавДПИ, ФарДУ, АДУ, ҚарДУдан элликка яқин профессорлар (жумладан, Д. Ашурова (ЎзДЖТУ), С. Боймирзаева, И. Сиддикова (ЎзМУ), М. Холбеков (ЖДПИ профессори), М. Муҳиддинов (СамДУ), З.Исломов (Тошкент ислом университети), Дилором Салоҳий, (СамДУ), У. Жуманазаров(ЖДПИ), Н.Улуқов(НамДУ), У. Санақулов, С. Каримов (СамИСИ), Ж. Элтазаров (СамДУ), Ж.Жалолов Ж. (ТДПУ), Б. Йўлдошев (СамДУ), шунингдек, икки юзга яқин фан номзодлари, доцент ва катта илмий ходим-изланувчилар, чет тили ўқитувчилари фаол иштирок этдилар.

Анжуманда ХХР, Корея, Мўғилистон, Қозоқистон, Россия, Украина АҚШ, Буюк Британия каби мамлакатларидан ҳам олимлар қатнашдилар. Жумладан, ХХРнинг Шанхай университетидан: Сюй Хонг, Чэнь Ши, Ян Минг Тиан, Ян Бо, Зоу Жин Жиан, Ву Ай Жонг, Сю Хенг, Лю Тао, Зуо Фей Фей, Юй Жонг Юан, Сие Жианг, Пэнг Синг Ге, Гао Шао Пингю, Пэнг Ин; Россиядан профессорлар М.В. Щербакова, Е.Ю.Чайка, В.И.Шестакова, Р. К.В.Никишина, Р.Тангалычева; Босния-Герцоговинадан профессор А.А.Акбаров; Қозоғистон Республикасидан профессорлар А.Жаксиликов, А.Б.Наурзбаева; Украинадан профессор Т.В.Квескоо, О.Волченко; Мўғилистондан профессор Dashdondog Bayarsaikhan; Япониядан Эйти Иamura; Буюк Британиядан Садхрти Шанкер Саксена; Кореядан Сунгдон Хванг кабилар анжуманнинг ялпи мажлиси ва шўбаларида ўз маърузалри билан иштирок этишди.



Анжуман иштирокчилари “Буюк ипак йўлида умуминсоний ва миллий қадриятлар: тил, таълим ва маданият” масалалари тадқиқи юзасидан бир қатор эътиборга молик тавсиялар, таклифлар билан чиқишди. Хусусан, улар орасида қуйидагилар анжуманнинг мазмун-моҳияти ва мақсадини белгилайдиган:

1) анжуманни Буюк ипак йўлида жойлашган мамлакатларнинг олий таълим муассасаларини жалб этган ҳолда, йилига бир марта ўтказиладиган анъанавий халқаро конференцияга айлантириш;

2) Буюк ипак йўли бўйлаб жойлашган мамлакатларнинг тили, адабиёти, манбашунослиги, таълими, маданияти ва тарихини тадқиқ этиш бўйича халқаро ҳамкорликни ўрнатиш бўйича таклифлар билдирилди.

Улар қуйидагилардан иборат:

- Буюк ипак йўли мамлакатларидаги тарихий ва бадиий манбашунослик соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- Буюк ипак йўли ўтган ҳудудларда экотуризмни ривожлантириш масаласида ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бориш;
- Буюк ипак йўли мамлакатлари олий таълим муассасалари ўртасида хорижий тилларни ўқитиш бўйича доимий тажриба алмашишни йўлга қўйиш;
- Самарқанд давлат чет тиллар институти ва Шанхай университети ҳамкорлигида “Буюк ипак йўлида умуминсоний ва миллий қадриятлар: тил, таълим ва маданият” деб номланувчи халқаро журнал чоп этишни йўлга қўйиш.

Анжуман доирасида СамДЧТИ ва бир қатор хорижий олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Хусусан: “Буюк ипак йўли мамлакатларининг лингвогеографик атласини тузиш” бўйича СамДЧТИ ва Шанхай чет тиллар университети билан ҳамкорликда амалга оширилаётган қўшма лойиҳа ишида иштирок этиш истагига биноан (профессор Сунгдон Хвангнинг таклифига асосан) Корея Республикасининг Хангук хорижий тиллар университети билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Мазкур меморандумда Хангук хорижий тиллар университети ва СамДЧТИ ўртасида илмий тадқиқот, таълим соҳаларида ҳамкорлик, қўшма конференциялар ташкил қилиш, илмий мақолалар чоп этиш, талабалар алмашиш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш каби масалаларда ўзаро ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган.

Худди шундай мазмундаги меморандум (профессор Дашдондог Баярсайханнинг таклифига биноан) Мўғулистон миллий университети, (Киёши Танака ва Дайсуки Суди таклифига кўра) Япониянинг Шиншу университетлари билан ҳам имзоланди.

21 май куни анжуманнинг якуний йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишда шўъба раисларининг ҳисоботлари, таклиф ва тавсиялар ҳамда анжуман ҳақидаги хулосалар тингланди.

Иштирокчилар фикрига кўра анжуман ўз олдига қўйган мақсадига тўла эришди.